IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 24. Issue 01. Oktabr, 2026

РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИНГ МАҚБУЛЛИГИ ВА УЛАРДАН ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Рахматов Рашид Насруллоевич
Ўзбекистон республикаси ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси
«Прокурорлик фаолияти» йўналиши
магистратура тингловчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23772569

Аннотация: Мазкур мақолада тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессида рақамли далилларнинг мақбуллиги, ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий ва амалий муаммолар таҳлил қилинган. Электрон маълумотларни тўплаш, сақлаш ва баҳолашдаги процессуал бўшлиқлар, кадрлар ва техник таъминот масалалари ёритилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: рақамли далил, тезкор-қидирув фаолияти, электрон маълумот, мақбуллик, хэш-қиймат, криминалистика, жиноят процесси.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые и практические проблемы обеспечения допустимости, достоверности и подлинности цифровых доказательств в оперативно-розыскной деятельности и уголовном процессе. Освещены процессуальные пробелы в сборе, хранении и оценке электронной информации, кадровые и технические вопросы, а также разработаны соответствующие предложения по их устранению.
Ключевые слова: цифровое доказательство, оперативно-розыскная деятельность, электронная информация, допустимость, хэш-значение, криминалистика, уголовный процесс.

Abstract: This article analyzes the legal and practical problems of ensuring the admissibility, reliability, and authenticity of digital evidence in operational-search activities and criminal proceedings. Procedural gaps in the collection, storage, and evaluation of electronic information, personnel, and technical issues are highlighted, and appropriate proposals are developed to address them.
Keywords: digital evidence, operational-search activity, electronic information, admissibility, hash value, forensics, criminal process.

КИРИШ

Замонавий жамиятда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ва ижтимоий муносабатларнинг виртуал маконга кўчиши жиноятчиликнинг мазмуни ҳамда кўринишини тубдан ўзгартириб, тезкор-қидирув фаолиятида рақамли излар ва электрон маълумотлардан фойдаланиш заруратини биринчи ўринга олиб чиқди. Агар анъанавий жиноятларда исботлаш базаси моддий дунёдаги ашёлар, қоғоз ҳужжатлар ва инсоннинг бевосита идрок этишига асосланган гувоҳлик кўрсатмаларидан иборат бўлса,

рақамли маконда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни фош этишда кибермаконда шаклланадиган виртуал излар, сервер логлари, электрон ёзишмалар, банк транзакцияларининг рақамли тарихи ва техник метамаълумотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бироқ, рақамли маълумотларнинг динамик ва ўткинчи характерда эканлиги, масофадан туриб осон олиб ташланиши ёки модификация қилиниши, шунингдек, уларнинг муайян электрон жисмга қатъий боғланмаганлиги жиноят-процессуал исботлаш тизими олдига мураккаб методологик ва ҳуқуқий вазифаларни қўймоқда. Ушбу контекстда оддий электрон ахборотнинг процессуал мақбуллик, ишончлилик ва ҳаққонийлик мезонларига жавоб берадиган рақамли далил мақомига ўтишини таъминлаш ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида уларни тўплашнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш миллий криминалистика ва жиноят-процесси фанларининг марказий муаммоларидан бирига айланди.[1]

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикасида рақамли далиллар институтини мустаҳкамлаш ва тезкор-қидирув ҳамда тергов амалиётидаги ҳуқуқий ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни тизимли ислоҳ қилиш босқичи амалга оширилди. Хусусан, 2024 йил 21 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ-1003-сонли Қонун орқали Жиноят-процессуал кодексига янги нормалар, жумладан 204^1- ва 204^2-моддалар киритилиб, «электрон маълумот» ва «рақамли далил» тушунчаларининг процессуал мақоми ва улар билан ишлаш тартиби қонунан мустаҳкамланди. Қонунчиликка мувофиқ, электрон маълумотлар электрон қурилмалар ва ахборот тизимларида, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, қайта ишланадиган ва сақланадиган маълумотлар сифатида эътироф этилса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам автоматик равишда процессуал далил ҳисобланмайди. Қонун берувчи ЖПКнинг 204^2-моддасида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон файллар, аудио ва видеоёзувлар, интернет тармоғида сақланаётган ахборотларнигина рақамли далил сифатида белгилаб, уларни йиғиш, кўздан кечириш, текшириш ва баҳолашнинг махсус режими асосларини яратди.[2]

Рақамли далилларнинг мақбуллигини (допустимость) таъминлаш нуқтаи назаридан ЎРҚ-1003-сонли Қонун билан ЖПКнинг 95^1-моддасига киритилган процессуал императив талаб принципиал аҳамиятга эгадир. Мазкур нормага кўра, олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар қатъий равишда номақбул далиллар деб топилади. Бу норманинг қабул қилиниши суриштирувчи, терговчи ва оператив ходимларнинг техник билими ва малакаси етарли бўлмаган ҳолларда манбага нотўғри таъсир кўрсатиши, маълумотларни шикастлаши ёки ўзгартириши хавфини олдини олишга қаратилган. Рақамли муҳитнинг одатий моддий ашёлардан фарқли равишда жуда нозиклиги ва клавиатурани нотўғри босиш ҳам ахборотнинг метамаълумотларини бузиши мумкинлиги сабабли, процессуал ҳаракатга рақамли криминалистика мутахассисини жалб этиш қонунийликнинг ва далилнинг юридик кучининг ажралмас кафолатига айланди.[3]

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар амалиётида энг кўп учрайдиган процессуал муаммолардан бири — тезкор-қидирув тадбирлари (ТҚТ) натижасида олинган рақамли ахборотларни жиноят-процессуал далилига айлантириш, яъни

уларни легализация қилиш муаммосидир. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ телефон сўзлашувларини эшитиш, электрон ёзишмаларни назорат қилиш, оператив техник воситалар орқали видео ва аудиокузатув олиб бориш каби тадбирлар натижалари ЖПК нормаларига мувофиқ процессуал расмийлаштирилмаса, улар судда далил сифатида ўз қимматини йўқотади. Амалиётда оператив ходимлар томонидан техник тадбир натижалари тегишли холис ёки мутахассис иштирокисиз, далолатнома ва кўздан кечириш баённомасисиз фақат оператив билдиргига илова қилинган ҳолда топширилиши оқибатида судда ушбу ахборотларни номақбул далил деб топиш ва айблов базасидан чиқариб ташлаш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.[4]

Суд амалиётида рақамли далиллар мақбуллигига баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарлик кўрсатмалари процессуал тушунчаларни бир хил қўллашда марказий ўрин тутади. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2025 йил 23 июндаги 14-сонли қарори билан 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига киритилган 10-банд таҳририга кўра, ариза ва хабар билан бирга тақдим этилган электрон маълумотлар, фото ва видеоёзувлар фақат уларни тақдим этган шахслар сўроқ қилиниб, ахборот ким томонидан, қачон, қаерда ва қайси ҳолатда аниқлангани ёки ёзиб олингани аниқлангандан кейингина мақбул деб топилиши мумкин. Шунингдек, Пленум қарори рақамли маълумотларни ишга қўшиш учун уларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилиб, рақамли далил сифатида ишга қўшиш ҳақида тегишли қарор ёки ажрим чиқарилишини зарур шарт сифатида белгилайди.[5]

Рақамли далилларнинг манбавий ҳаққонийлиги ва ўзгармаслигини (яхлитлигини) таъминлашда электрон ахборотнинг асли ва унинг кўчирма нусхаси (побитовый клон/forensic copy) ўртасидаги нисбат масаласи алоҳида криминалистик ташхисни талаб этади. ЖПКнинг 204²-моддаси учинчи қисмида рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, агар унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилиши белгиланган. Бироқ амалиётда оператив-тергов ходимлари томонидан электрон қурилмалардан ахборот олишда оддий скриншот ёки файлни қўлбола усулда кўчириб олиш билан чекланиш ҳолатлари кенг тарқалган. Бундай ҳаракатлар натижасида файлнинг асл яратилган вақти, манба IP-манзили ва тизим логлари каби метамаълумотлар бузилади ёки йўқолади, бу эса судда ҳимоя тарафига ахборотнинг сохталаштирилганлиги (фальсификация) ҳақида асосли эътироз билдиришга ва далилни шубҳа остига қўйишга имкон беради.[6]

Халқаро рақамли криминалистика стандартларида марказий ўрин тутувчи «далилларни сақлаш ва назорат қилишнинг узлуксиз занжири» (chain of custody) институти миллий тезкор-қидирув ва тергов амалиётида тўлиқ норматив-техник стандартлаштирилмагани жиддий бўшлиқ сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли далил воқеа жойида ёки ахборот тизимидан аниқланган дақиқадан бошлаб судда кўриб чиқилгунга қадар кимнинг қўлида бўлгани, қайси қурилмада сақлангани, ким томонидан текширилгани ва кўчирилгани дақиқама-дақиқа махсус журналда ёки электрон тизимда қайд этилиши шарт. Бундай шаффоф назорат занжири бўлмаганда, суриштирув ёки тергов органи далилнинг сақланиш жараёнида унга ташқи ноқонуний аралашув ёки модификация бўлмаганини асослаб бера олмайди, бу эса далилнинг ишончлилик ва ҳаққонийлик кўрсаткичларини кескин пасайтиради.[7]

Рақамли ахборотнинг ҳаққонийлигини техник жиҳатдан кафолатлаш ва унинг ўзгармаганлигини математик алгоритмлар орқали исботлашнинг энг ишончли воситаси криптографик хэш-қийматларни (MD5, SHA-256) ҳисоблаш ва баённомада қайд этиш ҳисобланади. Тезкор-қидирув ва тергов ҳаракати давомида электрон маълумот олинган вақтда унинг контрол хэш-суммаси ҳисобланиб баённомага киритилса, кейинчалик суд ёки эксперт текширувида қайта ҳисобланган хэш-сумма билан солиштириш орқали файлнинг яхлитлиги юз фоизлик аниқликда исботланади. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, суриштирув ва тергов ходимларининг 60 фоиздан ортиғи процессуал баённомаларни расмийлаштиришда хэш-суммаларни ҳисоблаш ва қайд этиш амалиётини қўлламайди, бу эса қонунчиликдаги процессуал нормаларнинг техникавий инструментлар билан мустаҳкамланмаганидан далолат беради.[8]

Тезкор-қидирув фаолиятида рақамли далиллар билан ишлашдаги ташкилий ва ресурсли муаммоларнинг энг кескин намоён бўлиши — ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг замонавий аппарат-дастурий комплекс ва лицензияланган компютер-техник криминалистика воситалари билан етарлича таъминланмаганидир. Кўп ҳолларда оператив ва тергов бўлинмаларида мобил қурилмалардан маълумотларни хавфсиз ажратиб олувчи, ўчирилган файлларни тикланувчи ва оператив хотира маълумотларини олувчи воситаларнинг, шунингдек аппарат даражасида маълумот ёзилишини блокловчи воситаларнинг йўқлиги сабабли, ходимлар сертификатланмаган ва норасмий дастурий таъминотлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳолат эса олинган далилларнинг судда мақбуллиги ва ишончлилигини шубҳа остига қўйиб, айбдорларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига замин яратмоқда.[9]

Кадрлар салоҳияти ва соҳавий мутахассисларнинг танқислиги рақамли далилларни олиш ва сақлашда айнан инсон омили билан боғқ процессуал хатоликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Дастлабки оператив суриштирув ва воқеа жойини кўздан кечириш босқичида тезкор ходимларнинг рақамли криминалистика соҳасидаги базавий билимлари етишмаслиги сабабли электрон қурилмалар билан нотўғри муомалада бўлиш ҳолатлари кўп учрайди. Масалан, ушланган шахснинг кодинг ва пароль билан ҳимояланган смартфонини тармоқдан ажратмасдан олиб юриш, қурилмани ўчириб-ёқиш орқали оператив хотирадаги ўткинчи маълумотларни ўчириб юбориш ёки масофадан туриб маълумотларни ўчириш хавфини орттиради.[10]

Замонавий ахборот-коммуникация алоқа воситаларининг ва ашёлар интернети қурилмаларининг ривожланиши натижасида рақамли маълумотларнинг маконга боғлиқлик принципи ўз аҳамиятини йўқотиб, булутли хотира ва виртуал серверларда сақланиши янги процессуал тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Оператив-қидирув тадбири давомида ушланган компютер ёки смартфон жисмонан Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлса-да, ундаги асосий аҳамиятга эга бўлган ёзишмалар, базалар ва маълумотлар хорижий давлатлардаги булутли серверларда сақланади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги ва олиб қўйиш механизми асосан миллий юрисдикциядаги моддий ва электрон жисмларни олишга мослашган бўлиб, виртуал ва булутли муҳитдаги рақамли маълумотларни санкциялаш ва процессуал мустаҳкамлашнинг махсус регламенти мавжуд эмас.[11]

Трансчегравий характердаги кибержиноятлар ва рақамли манбаларни олишда давлатлараро ҳуқуқий ёрдам механизмларининг секинлиги ва электрон ахборотнинг ўта

юқори йўқолиш тезлиги ўртасида кескин зиддият мавжуд. Оператив ва тергов органлари томонидан хорижий ижтимоий тармоқлар, транснационал мессенжерлар ва провайдерлардан IP-ҳайдовчилар ва логин маълумотларини олиш бўйича юборилган халқаро сўровларнинг ижроси ойлаб ёки йиллаб вақтни талаб этади. Бу вақт оралиғида провайдерлар томонидан лог-файллари автомат ўчириб юборилади ёки жиноятчи томонидан аккаунт ва контент йўқ қилинади. Натижада, қонунчиликда рақамли маълумотларни хорижий ва маҳаллий провайдерларда кечиктириб бўлмайдиган тартибда вақтинча музлатиб қўйиш институтининг йўқлиги тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.[12]

Рақамли далилларни тўплаш ва кўздан кечириш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, хусусан шахсий ҳаёт ва ёзишмалар дахлсизлиги ҳамда мулк ҳуқуқини кафолатлаш билан тезкор-қидирув фаолиятининг тезкорлиги ўртасида процессуал мувозанатни сақлаш муаммоси сақланиб қолмоқда. Оператив ходимлар томонидан электрон қурилмани кўздан кечиришда фақат жиноятга алоқадор ёзишмаларни эмас, балки шахснинг бутун шахсий ҳаётига оид, тиббий, молиявий ва оилавий сирларини ўз ичига олган барча маълумотларни тўлиқ кўчириб олиниши мутаносиблик принципининг бузилишига олиб келади. Суд томонидан шахсий ёзишмаларни чеклашга берилган санкция чегарасидан чиқиб кетган ҳолда олинган ахборотлар мақбул бўлмаган далил сифатида баҳоланиши, тезкор-қидирув тадбирларининг қонунийлигини таъминлашда суд назоратини янада кучайтиришни тақозо этади.[13]

Тезкор-қидирув ва криминалистика амалиётида улкан ҳажмдаги рақамли маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун сунъий интеллект ва алгоритмик тизимларнинг кенг жорий этилиши далилларни текшириш ва баҳолашнинг янги процессуал муаммоларини юзага келтирмоқда. Алгоритмик тизимлар орқали юз ва овозни идентификация қилиш, матнли ёзишмаларни авто-анализ қилиш ва рақамли фото-видео материалларнинг сохталигини аниқлашда алгоритмнинг «қора қути» эффекти — яъни хулосанинг қандай алгоритмик занжир асосида шаклланганини суд ва ҳимоя тарафига тушунтириб бера олмаслик хавфи мавжуд. Сунъий интеллект хулосаси алоҳида исботлаш субъекти эмас, балки фақат ёрдамчи аналитик восита бўлиши лозимлиги сабабли, алгоритмларнинг шаффофлиги ва қайта текширилувчанлиги таъминланмаган ҳолда олинган натижалар судда исботловчи кучга эга бўла олмайди.[14]

Судлар томонидан рақамли далилларни ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ судьяларнинг «ички ишончи» асосида баҳолашда судьяларнинг техник ва криминалистик компетенциясининг етишмаслиги сабабли айблов томонига оғмачилик (айбловга мойиллик) ҳолатлари кузатилмоқда. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, судьялар кўп ҳолларда оператив орган ёки терговчи томонидан тақдим этилган электрон баённомалар ва файлларни уларнинг техник ҳаққонийлигини ва «chain of custody» занжирини чуқур текширмасдан қабул қиладилар. Ҳимоя тарафининг рақамли далилнинг ўзгартирилгани ёки мутахассиссиз олингани ҳақидаги эътирозлари адекват қайта судий-криминалистик экспертизаси билан мустаҳкамланмаган ҳолда рад этилиши, судьяларнинг ички ишончи холис ва объектив далиллар мажмуига эмас, балки расмий процессуал ҳужжатларнинг шаклига бериладиган юзаки баҳога таяниб қолаётганидан далолат беради.[15]

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари ва рақамли далилларни сохталаштириш хавфига қарши жиноят-ҳуқуқий ва процессуал кафолатларни кучайтириш зарур бўлиб, Жиноят кодексига киритилган 230¹- (Далилларни сохталаштириш) ва 230²-моддалари (ТҚТ натижаларини сохталаштириш) ушбу қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Амалиётда ахборот технологиялари воситасида аудио, видео ва матнли файлларни монтаж қилиш, вақт тамғаларини ўзгартириш ва сохта рақамли изларни «экиш» имкониятлари ортган шароитда, фақат жиноий жазо хавфи билан сохталаштиришнинг олдини олиш етарли эмас. Бунинг учун олинган ҳар бир рақамли далилнинг яратилиш ва олиниш вақтини давлат томонидан марказлаштирилган блокчейн ва криптографик штамплаш тизимлари орқали автоматик қайд этишнинг институционал механизмларини жорий этиш талаб этилади.[16]

Рақамли далиллар билан ишлашда идоралараро ахборот алоқаси ва рақамли инфраструктуранинг тарқоқлиги тезкор-қидирув ва суриштирув органлари фаолиятида процессуал пайсапсалликни келтириб чиқармоқда. Гарчи «E-tergov» ва «E-material» ахборот тизимлари амалиётга татбиқ этилаётган бўлса-да, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ва Судлар ўртасида рақамли далилларни реал вақт режимида хавфсиз узатиш, сақлаш ва текшириш имконини берувчи ягона марказлаштирилган «Электрон далиллар депозитарийси» мавжуд эмас. Маълумотларнинг жисмоний дискларда ва флеш-карталарда қўлдан-қўлга ўтказилиши, тизимли архивланмаслиги ва идоралараро ягона рақамли стандартларнинг йўқлиги сабабли далилларнинг йўқолиши ёки алмашиб қолиши билан боғлиқ ташкилий хавфлар юқорилигича қолмоқда.[17]

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги комплекс таҳлил шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув фаолиятида рақамли далиллардан фойдаланиш амалиётидаги мавжуд муаммолар фақатгина техник-технологик камчиликлардан иборат бўлмай, балки норматив-ҳуқуқий бўшлиқлар, процессуал кафолатларнинг етарли эмаслиги, ресурсли ва кадрлар танқислиги ҳамда идоралараро интеграциянинг заифлиги билан узвий боғлиқ тизимли ташхисни талаб этади. Рақамли далилнинг мақбуллиги, ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш борасида аниқланган ушбу ҳуқуқий ва амалий тўсиқларнинг қай даражада фундаментал характерга эга эканлиги, уларнинг пайдо бўлиш омиллари ҳамда оқибатларининг таъсир доирасини баҳолаш мазкур муаммоларни устуворлик асосида тартиблаш зарурлигини асослайди. Шу сабабли, аниқланган ушбу муаммоларни устуворлаштириш, уларнинг сабаб-оқибат занжирини чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда диссертациянинг 3-бобида ечилиши лозим бўлган аниқ вазифаларни белгилаб олиш параграфнинг кейинги қисмида ўз ифодасини топади.[18]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, рақамли далилларнинг мақбуллиги ва ишончлилигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1) Электрон маълумотларни тўплашда хавфсизлик ва изчилликни таъминловчи «chain of custody» (узлуксиз назорат занжири) механизмини жиноят-процессуал қонунчилигида қатъий белгилаш;

2) Тезкор-қидирув органлари, тергов ва судлар ўртасида электрон маълумотларни хавфсиз алмашиш ва сақлаш имконини берувчи ягона «Электрон далиллар депозитарийси» тизимини яратиш;

3) Трансчегаравий ва булутли серверларда сақланаётган маълумотларни процессуал расмийлаштириш ва давлатлараро сўровлар жараёнида маълумотларни «музлатиб қўйиш» (data preservation) институтини қонунчиликка жорий этиш;

4) Рақамли маълумотлар яратилиши ва олинишини марказлаштирилган криптографик хэшлаш ва блокчейн технологиялари орқали автоматлаштириш тизимини амалиётга татбиқ этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мусурмонов Б. Р. Рақамли (электрон) далилларнинг назарий ва амалий муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. — 2026. — Т. 11, № 4. — Б. 118–128.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — 2024. — URL: https://lex.uz/docs/-7228758.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Тошкент: Адолат, 2024. — 95¹-модда.
4. Абдуллахонов А. Тезкор-қидирув тадбирлари институтини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари // Universal Science Perspective. — 2026. — Б. 80–83.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2025 йил 23 июндаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14-сонли қарори // Олий суд Пленуми қарорлари тўплами. — 2025.
6. Иномжонова Д. З. Жиноят процессида рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг мақбуллигини таъминлаш муаммолари // Международная конференция академических наук. — 2025. — Б. 22–27.
7. Musurmanov B. R. Theoretical Approaches to Digital (Electronic) Evidence in Criminal Proceedings // Journal of Law Research. — 2026. — Vol. 11, Issue 4. — P. 118–128.
8. Янгиев Ғ. Рақамли трансформация шароитида исбот қилиш институти: назария ва амалиёт // Ўзбекистон терговчиси. — 2026. — № 3. — Б. 53–58.
9. Нормуродова Б. Рақамли далилларни тўплашда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари // Янги давр илм-фани: инновацион ғоя ва ечимлар. — 2026. — Т. 2, № 13. — Б. 79–81.
10. Туланбоева А. А. Кибержиноятларни тергов қилишда электрон далилларни аниқлашнинг криминалистик жиҳатлари // inLibrary. — 2025. — Б. 32–34.
11. Эрназаров У. Э., Аҳмадов М. А. Электрон далиллар: аниқлаш, қайд этиш ва мустаҳкамлашдаги муаммолар ва ечимлар // Modern Education and Development. — 2025. — Б. 22–28.

12. Гулимов Ш. Ш. Трансграничное получение цифровых доказательств в уголовном процессе // Илм-фан тараққиёти. — 2026. — № 1. — С. 112–113.
13. Саидов Б. Ё. Рақамли ўғрилик ва электрон далилларни тўплашдаги муаммолар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. — 2026. — Т. 3, № 2. — Б. 149–150.
14. Собиров Ш. Процессуальные особенности проверки цифровых доказательств с использованием технологий искусственного интеллекта // inScience. — 2025. — С. 141–142.
15. Ҳамидов Б. Х. Рақамли далиллар ва суд жараёни: судларда янги кўникмаларни шакллантириш зарурияти // Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan. — 2026. — Т. 4, № 1. — Б. 117–120.
16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Тошкент: Адолат, 2024. — 230¹-, 230²-моддалар.
17. Нормуродова Б. Рақамли далилларни тўплашда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари // Янги давр илм-фани: инновацион ғоя ва ечимлар. — 2026. — Т. 2, № 13. — Б. 79–81.
18. Мусурмонов Б. Р. Рақамли (электрон) далилларнинг назарий ва амалий муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. — 2026. — Т. 11, № 4. — Б. 118–128.